



Ислом Нури

Савол:

Ассалому алайкум биродари азиз кишилар яхшимисизлар. Биз мусулмонлар қайсидир маънода дунё ахлидан орқада қоляпмиз, бунга бўлиб ўтган террористик урушлар сабабмикан деб ўйлаб қоламан гоҳида. Ҳозирги кунда қўлаб мусулмон кишилар ўз динига шубҳа билан қараётгани бизга сир эмас албатта. Бунга қандай қарайсизлар?

Жавоб:

Ва алайкум ассалам ва роҳматуллоҳи ва барокатуҳ.

Одам ўзининг оёқ кийимини яхши танимаса (масалан: калишини) унга шубҳа билан қарайдида уни қўлига олиб яхшилаб синчиклаб қарагандан кейин ўзиники эканига ишонч ҳосил қилса, уни кийиб кетади, бўлмаса ҳайрон бўлиб меники қайсинисийди экан деб, унисига қараб бунисига қараб ҳайрон бўлиб тураверади. Аммо яхши таниган одам узоқдан туриб тўғри ўзиникига борадида ҳеч ўйланмасдан шартта кийиб кетаверади.

Мусулмонлардан ҳам динини яхши таниган одамлар ўз йўлларида ҳеч қандай шубҳасиз давом этмоқдалар. Аммо динини танимаган, танишни ҳам хоҳламаётган кимсалар ўзининг дини деб ўйлаган динга шубҳа билан қараши табиий ҳол. Бу ҳолга террорларнинг ҳеч қандай алоқаси бўлиши мумкин эмас. Чунки бизнинг Улуғ динимизнинг оти ўзи билан “ИСЛОМ” яъни (ислом маънолардан бири) “ТИНЧЛИК” динидир. Террорлар ислом дини асосларига зиддир.

Қолоқликка келадиган бўлсак, бунинг сабабчилари бизмиз. Динимиз энг комил дин, унга ким қачон ва қаерда амал қилса у энг олий ва



ҳаётда энг пешқадам инсон бўлади. Буни тарих жуда яхши исботлаган. Биз муслмонларни тарих давомида бутун олам хусусан овруполикларга устоз бўлиб келганлари ҳақида гапириб ўтиршимиз шарт эмас деб ўйлаймиз. Чунки, бу нарса тарихни ўқиган одамга кундуздан кўра равшанроқдир.

Ислом Нури таҳририяти